

Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги томонидан  
2015 йил "30" сентябрьда  
"489" сон билан  
қайта рўйхатга олинган

2015 йил 14 август куни  
Ўзбекистон темирйўлчилари ва  
транспорт қурувчилари касаба  
уюшмаси VI-Қурултойида  
тасдиқланган



Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт  
қурувчилари касаба уюшмасининг

УСТАВИ

Тошкент-2015 й.

**Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт  
қурувчилари касаба уюшмасининг  
УСТАВИ**

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси (кейинги ўринларда Уставда- Касаба уюшмаси) хўжалик юритиш ва мулкчилик шаклидан қатъий назар "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти таркибига кирувчи корхона, ташкилот, муассасаларнинг ходимларини, Тошкент метрополитени ишчилари ва транспорт қурувчиларини, шунингдек, акциядорлик жамияти тасарруфидаги ўқув муассасаларида таълим олувчиларни бирлаштирувчи ихтиёрий, ўзини-ўзи бошқарувчи, нодавлат нотижорат ташкилоти бўлиб, унинг ташкилий ҳуқуқий шакли жамоат бирлашмаси ҳисобланади.

1.2. Касаба уюшмаси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг аъзосидир ва ўзининг мақсад ва вазифаларига мувофиқ бошқа давлатлар касаба уюшмалари марказлари билан ҳамкорлик қилиши, касаба уюшмалари халқаро бирлашмаларига аъзо бўлиши мумкин.

1.3. Касаба уюшмаси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунчилик, демократия, ихтиёрийлик, мустақиллик, тенглик, бирдамлик, ошқоралик асосида амалга оширадиган Республика касаба уюшмасидир.

1.4. Касаба уюшмаси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Меҳнат ва Фуқаролик кодекслари, Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалар, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ушбу Устав асосида амалга оширади.

1.5. Касаба уюшмаси, унинг тузилмавий бўлинмалари ва сайланма органлари ўз фаолиятларида давлат бошқаруви органлари, ижроия ҳукумати, иш берувчилар ва уларнинг бирлашмалари, сиёсий партиялар ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларидан мустақилдир, уларга ҳисобдор эмас ва улар томонидан назорат қилинмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Касаба уюшмаси таркибий бўлинмаларини тузиш, ташкил этиш ва фаолиятини тугатиш тартиби, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, бўлинмаларининг раҳбар органлари тўғрисидаги қоидалар ҳамда бўлинмаларининг мол-мулкни бошқариш борасидаги ҳуқуқлари батафсил равишда уларнинг низомларида белгиланади.

1.6. Касаба уюшмаси ва унинг тасарруфидаги ташкилотлар мустақил ёки бошқа ташкилотлар билан биргаликда тадбиркорлик, ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти, ноширлик билан шуғулланишлари ҳамда Устав мақсадларига мувофиқ ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган фаолият олиб боришлари мумкин.

1.7. Касаба уюшмаси ва унинг ташкилотлари ўз номларидан мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқларга эга бўлишлари, амалга оширишлари, мажбурият олишлари, судда даъвогар ва жавобгар бўлишлари мумкин.

1.8. Ушбу Уставнинг матнини изоҳлаш касаба уюшмаси Курултойининг мутлоқ ваколатига киради.

1.9. Касаба уюшмасининг давлат, рус ва инглиз тилларидаги расмий тўлик ва қисқартирилган номланиши:

ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИРЎЛЧИЛАРИ ВА ТРАНСПОРТ ҚУРУВЧИЛАРИ  
КАСАБА УЮШМАСИ - ЎТТҚ касаба уюшмаси .

ПРОФСОЮЗ ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНИКОВ И ТРАНСПОРТНЫХ  
СТРОИТЕЛЕЙ УЗБЕКИСТАНА – Профсоюз ЖТСУ.

TRADE UNION RAILWAYMANS AND TRANSPORT BUILDERS OF  
UZBEKISTAN – Trade union RTBRU.

1.10. Ўзбекистон темирўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмасининг домимий фаолият кўрсатадиган раҳбар органи жойлашган ери (почта манзили):

Ўзбекистон Республикаси, 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани,  
Тарас Шевченко кўчаси, 7.

## **II. Касаба уюшмасининг мақсад ва вазифалари**

2.1. Касаба уюшмасининг асосий мақсади касаба уюшмаси аъзолари, шунингдек корхона, ташкилот, муассасалар (бундан кейин корхоналар) жамоаларининг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни амалга оширишдир.

2.2. Касаба уюшмаси ушбу мақсадларни амалга ошириш учун қуйдаги вазифаларни:

меҳнат соҳасида ижтимоий шериклик тизимини ривожлантиришга, касаба уюшмаси ва иш берувчининг икки тарафлама ҳамкорлиги тамойилларининг амалга оширилишига;

меҳнат соҳасида ижтимоий шериклик йўлга қўйилиши, жамоа музокараларининг ташкил этилиши, жамоа шартномалари ва келишувлари тузилиши, уларнинг бажарилиши устидан назоратнинг амалга оширилишига;

меҳнатга ҳақ тўлаш ва меҳнат шартларида ижтимоий-адолатли тизим жорий этилиши ва уни такомиллаштирилишига;

қонунчиликда белгиланган тартибда меҳнатга, ижтимоий-иқтисодий масалаларга ва меҳнатни муҳофаза қилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши устидан қонунчиликда белгиланган тартибда жамоатчилик назоратини амалга оширишга;

касаба уюшмаси аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий, меҳнат, фуқаролик ҳуқуқ ва касбий манфаатларини ҳимоя қилиш учун жамоатчилик маслаҳатхоналарини ташкил этилиши, ўз ваколатларини амалга оширишда тегишли давлат органлари билан ижтимоий шерикликни амалга оширилишига;

меҳнатга оид муносабатларни тартибга солиш, меҳнатни ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилишига;

корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазаси ва шароитлари ҳамда атроф муҳит муҳофазаси ҳолати устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга,

иш жойларида зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омилларини бартараф этилиши, ишловчиларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари, қулай маиший шароитлар яратилишига;

касаба уюшмаси аъзоларининг соғлиқларини мустаҳкамлаш, оммавий жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратилишига, дам олиш ва санаторий-курортларда соғломлаштиришнинг самарали ва ҳаммабоп бўлиши таъминланишига;

меҳнат жамоаларида маданий-маърифий, спорт тадбирлари, кўрик-танловлар, жумладан давлат органлари, ўз-ўзини бошқариш органлари, иш берувчилар билан ҳамкорликда ташкил этилиши ва ўтказилишига;

касаба уюшмаси фаолиятининг кенг ошкоралигини таъминлаш учун ахборот ва ташвиқот ишлари олиб борилишига;

касаба уюшмаси ходимлари ва фаолларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва ўқитиш тизими самарали ишлашига эришади.

Ўзбекистон Республикаси томонидан меҳнат муносабатларига оид халқаро шартноманинг ратификация қилинишида, шунингдек меҳнат муносабатлари, бандлик, ижтимоий ҳимоя, меҳнат миграцияси, касб-ҳунар таълими, меҳнат ва соғлиқни муҳофаза қилиш, касаба уюшмалари ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатларини кенгайтириш, ёшларга оид ва ижтимоий-меҳнат соҳасига алоқадор бошқа масалаларга доир қонун ҳужжатларининг ишлаб чиқилишида Федерация орқали иштирок этади.

### **III. Касаба уюшмасининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

#### **3.1. Касаба уюшмаси қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

- ижтимоий ҳаётнинг турли масалалари бўйича ташаббуслар билан чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш;

- давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларини ишлаб чиқилишида қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда иштирок этиш;

- ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатиш;

- оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳамда белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

- Уставда белгиланган вазифаларни бажариш учун тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш;

- ўз рамзий белгисини таъсис этиш ва уни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказиш;

- ўз фаолиятига тегишли масалалар юзасидан йиғилишлар, конференциялар, раёсатлар, Мажлислар, симпозиум, кўргазмалар, Қурултойлар ўтказиш;

- касаба уюшмаси аъзоларининг меҳнатга доир ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судларга мурожаат қилиш;

- касаба уюшмаси фаолиятига оид бўлган қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

#### **3.2. Касаба уюшмасининг мажбуриятлари:**

- қонун ҳужжатларига риоя этиш;

- ўз мол-мулк ва пул маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ахборот билан ўз фаолларини танишиш эркинлигини таъминлаш;

- рўйхатдан ўтказувчи органга ўзи ўтказётган тадбирларга эркин кириш имконини бериш;

-касаба уюшмаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлади.

#### **IV. Касаба уюшмаси аъзолари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

4.1. Касаба уюшмасига аъзо бўлиш ихтиёрийдир. Касаба уюшмаси Устави талабларини тан олувчи ва бажарувчи, аъзолик бадалларини мунтазам тўлаб боровчи 18 ёшга тўлган ҳар бир фуқаро касаба уюшмаси аъзоси бўлиши мумкин (агар 16 ёшга тўлган шахс иш берувчи билан меҳнат муносабатларида бўлса ёки ўқув юртида таҳсил олаётган бўлса, касаба уюшмаси аъзолигига кириши мумкин).

4.2. Касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилиш ва ундан чиқариш шахсий аризага кўра касаба уюшма бошланғич ташкилотининг умумий йиғилиши ёки касаба уюшма бошланғич ташкилоти кўмитаси мажлисида амалга оширилади.

Касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилиш ва ундан чиқиш санаси тегишли қарор қабул қилинган кундан ҳисобланади. Касаба уюшмасига қабул қилинган фуқаро бошланғич ташкилотнинг касаба уюшмаси кўмитаси (ташкилотчиси) томонидан ягона намунадаги аъзолик билети берилади.

Йирик бошланғич ташкилотларда касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилиш ҳуқуқи касаба уюшмаси бошланғич ташкилоти кўмитаси қарори билан цех кўмиталарига ва касаба уюшма гуруҳларига берилиши мумкин.

Касаба уюшмаси аъзолари асосий иш (ўқиш) жойларидаги касаба уюшмаси бошланғич ташкилотида ҳисобида турадилар.

4.3. Касаба уюшмасига аъзолик қуйидаги ҳолларда сақланиб қолади:

касаба уюшмаси аъзоси фарзанд тарбиялаш ёки яқин қариндошини парваришлаш зарурати билан меҳнат фаолиятини вақтинчалик тўхтатганда;

касаба уюшмаси аъзоси соғлиғи бўйича ёки ёшга доир пенсияга чиқиб ишини тўхтатганда (касаба уюшмаси ташкилоти билан алоқани узмаслик ва аъзолик бадалларини тўлаб туриш шарти билан);

ходимлар сони(штат)нинг ўзгариши ёки корхонанинг тугатилиши муносабати билан вақтинчалик ишсиз қолиб, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтган касаба уюшмаси аъзосига - бошқа ишга жойлашгунча;

касаба уюшмаси аъзосининг Қуролли Кучларда хизмати тугагандан сўнг-икки ойгача;

вақтинчалик иш учун мамлакат ҳудудидан чиқиб кетган касаба уюшмаси аъзосига - қайтиб келгунгача.

Касаба уюшмасининг ҳамма аъзолари тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар.

4.4. Касаба уюшмаси аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

касбий, ижтимоий-меҳнат ҳуқуқ ва манфаатлари, меҳнат муносабатларига оид масалалар бўйича касаба уюшмасининг ҳимоясида бўлиш;

касаба уюшмасининг исталган органига мурожаат қилиш ва ўзининг мурожаати бўйича тегишли жавоб талаб қилиш;

жамоа шартномалари, келишувларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда

қатнашиш, уларда кўзда тутилган имтиёзлардан фойдаланиш;

касаба уюшмаси органларидан меҳнат муносабатлари, ҳуқуқий масалалар бўйича бепул ҳуқуқий ёрдам олиш;

касаба уюшмаси органларига сайлаш ва сайланиш;

касаба уюшмасининг фаолиятини касаба уюшмаси қурултойларида, йиғилиш (конференция)ларида, сайланма раҳбар органлар мажлисларида, оммавий ахборот воситаларида эркин муҳокама этиш ва танқид қилиш, таклифлар киритиш, ўз фикрини очиқ баён этиш ва ҳимоя қилиш, қарорлар ишлаб чиқишда иштирок этиш;

ўз фаолияти ва хулқ-атворида тааллуқли масала кўрилатганда касаба уюшмаси йиғилиш (конференция)лари, касаба уюшмаси сайланма органлари мажлисларида шахсан қатнашиш;

касаба уюшмасининг санаторийлари, дам олиш уйларида, шунингдек болаларни соғломлаштириш оромгоҳларига имтиёзли нархларда йўлланмалар олиш, касаба уюшмасига фойдаланиш учун берилган маданият муассасалари ва спорт-соғломлаштириш иншоотларидан фойдаланиш;

белгиланган тартибда касаба уюшмаси мулкидан фойдаланиш;

ихтиёрий равишда касаба уюшмаси аъзолигидан чиқиш.

#### 4.5. Касаба уюшмаси аъзосининг мажбуриятлари:

касаба уюшмаси Уставига риоя қилиш, касаба уюшмаси раҳбар органларининг мазкур Уставга биноан қабул қилган қарорларини бажариш;

касаба уюшмаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва унинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда қатнашиш;

жамоа шартномалари ва Келишувлар мажбуриятларининг бажарилишига кўмаклашиш;

касаба уюшмаси гуруҳ, цех, бошланғич ташкилоти фаолиятида қатнашиш;

ҳар ойда белгиланган миқдор ва тартибда касаба уюшмасига аъзолик бадалларини тўлаб бориш;

касаба уюшмалари ҳаракатига зарар келтирадиган ҳатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик.

4.6. Касаба уюшмаси ишида фаол қатнашгани учун касаба уюшмаси аъзолари қуйидагича рағбатлантирилишлари мумкин:

мукофот;

қимматбаҳо совға билан тақдирлаш;

касаба уюшмасининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирлаш;

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг нишони билан тақдирланишга тавсия этиш.

4.7. Устав мажбуриятларини бажармаганлиги ёки касаба уюшмасига зарар етказувчи ҳаракатлари учун касаба уюшмаси аъзосига қуйидаги жамоат таъсир чоралари қўлланиши мумкин: огоҳлантириш ёки сўнгги чора сифатида касаба уюшмаси аъзолигидан чиқариш.

4.8. Касаба уюшмаси аъзолигидан қуйидаги ҳолларда чиқарилади:

узрли сабабларсиз 6 ойдан ортиқ аъзолик бадалларини тўламаганда (мазкур Уставнинг 4.3 ва 10.2-бандларида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно);

Уставда белгиланган мажбуриятларини бажармаганда;

касаба уюшмасининг сайланма органи штатидаги ходими касаба уюшмаси раҳбар органи қарорини ёки ўз вазифаларини мунтазам (уч мартадан ортиқ) ёки бир марта қўпол равишда бажармаганда;

касаба уюшмаси ёки унинг ташкилотларига жиддий мулкый зарар етказадиган, шунингдек касаба уюшмасини обрўсизлантирувчи бошқа ҳаракатлар қилганда.

4.9. Касаба уюшмаси аъзолигидан чиққан киши касаба уюшмасининг ҳимояси, касаба уюшмасининг мол-мулки ва маблағидан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотади, унинг тўлаган аъзолик бадаллари қайтарилмайди.

4.10. Касаба уюшмаси аъзосига жамоат таъсир чорасини қўллаш масаласи унинг иштирокида бошланғич ташкилотнинг умумий йиғилишида ёки касаба уюшмаси юқори раҳбар органи мажлисида, кейинчалик касаба уюшмаси аъзоси ҳисобда турган касаба уюшмаси бошланғич ташкилотини қабул қилинган қарордан хабардор этган ҳолда, кўриб чиқилади. Касаба уюшмаси аъзоси тегишли йиғилишида қатнашишни узрсиз сабаб билан инкор этса, ушбу масала унинг иштирокисиз кўрилиши мумкин.

Касаба уюшмаси аъзосига аъзоликдан чиқариш билан боғлиқ бўлмаган жамоат таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор касаба уюшмаси бошланғич ташкилоти кўмитаси, касаба уюшмасининг юқори раҳбар органи томонидан, аъзолари 15 нафаргача бўлган касаба уюшмаси бошланғич ташкилотида эса – умумий йиғилиш томонидан қабул қилинади.

Жамоат таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор йиғилиш қатнашчилари ёки юқори раҳбар орган аъзоларининг камида учдан икки қисми ёқлаб овоз берганда қабул қилинган ҳисобланади.

Жамоат таъсир чорасини қўллашдан олдин касаба уюшмаси аъзосидан ёзма тушунтириш хати талаб қилиш лозим. Ёзма тушунтириш хати беришдан бош тортиш жамоатчилик таъсир чорасини қўллашга тўсик бўла олмайди.

Жамоат таъсир чорасини бевосита айб иш аниқланганда, лекин у аниқлангандан кейин бир ойдан кечикмасдан қўлланилади, бунда касаба уюшмаси аъзоси меҳнатга яроқсизлик ёки меҳнат таътилида бўлган даври ҳисобланмайди.

Айбли ҳаракат (ҳаркатсизлик) қилинган вақтдан олти ой ўтгандан сўнг, тафтиш ёки молиявий-хўжалик фаолияти текширилиши натижасида эса-айб иш аниқлангандан кейин икки йилдан сўнг жамоат таъсири чораси қўлланиши мумкин эмас.

Ҳар бир айбли ҳаракат (ҳаркатсизлик) учун касаба уюшмаси аъзосига фақат битта жамоат таъсир чораси қўлланилади.

Жамоат таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор нусхаси 3 кун ичида касаба уюшмаси аъзосига тилхат билан берилади.

4.11. Жамоат таъсир чорасидан норози бўлган касаба уюшмаси аъзоси қарор нусхасини олгандан кейин бир ой муддатда касаба уюшмаси юқори органига шикоят қилиши мумкин. Ариза касаба уюшмаси органи қабул қилган кундан кейин бир ойдан ошмаган муддатда кўриб чиқилади.

Жамоат таъсир чорасидан норози бўлган аъзо белгиланган тартибда судга

ҳам шикоят қилиши мумкин.

Касаба уюшмаси аъзолигидан чиқарилган шахс камида бир йилдан сўнг умумий асосларда касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилиниши мумкин.

Касаба уюшмаси аъзосидан жамоат таъсир чорасини олиб ташлаш масаласи тегишли касаба уюшмаси йиғилиши ёки раҳбар органи томонидан қўлланилган кундан камида уч ойдан сўнг кўриб чиқилади.

Жамоат таъсир чораси қўлланилган кундан бир йил ўтгандан сўнг, агар касаба уюшмаси аъзосига нисбатан шу муддат ичида яна жамоат таъсир чораси қўлланилмаса, ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

## **V. Касаба уюшмасининг ташкилий тузилиши ва фаолиятининг асосий тамойиллари**

5.1. Касаба уюшмаси кўнгилли жамоат ташкилоти бўлиб, ҳам ишлаб чиқариш, ҳам ноишлаб чиқариш соҳаларидаги фаолият турига қараб ташкил этилган, ўз фаолиятини адолат, қонунийлик, коллегиялик, бирлик, бирдамлик, ошкоралик, мустақиллик, ўзини ўзи бошқариш, ихтиёрийлик, аъзо ташкилотлар ҳуқуқ ва мажбуриятлари тенглиги, қуйидан юқоригача барча даражадаги органларининг сайлаб қўйилиши, қарорлар қабул қилиш чоғида мунозара эркинлиги, озчилик фикри ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинган касаба уюшмаси Республика Кенгаши ва Республика Кенгаши раёсати қарорларининг аъзо ташкилотлар томонидан бажарилиши мажбурийлиги тамойилларига асосан амалга оширади.

5.2. Касаба уюшмаси тузилмасини касаба уюшма гуруҳлари, цех касаба уюшмаси ташкилотлари, касаба уюшма бошланғич ташкилотлари, касаба уюшма бирлашган кўмиталари, касаба уюшма ҳудудий кўмиталари ва касаба уюшмаси Республика Кенгаши ташкил этади.

Касаба уюшмаларида хотин-қизлар ва ёшлар кенгашлари (кўмиталари) тузилиши мумкин, улар тўғрисидаги низом таъсисчи томонидан тасдиқланади.

5.3. Касаба уюшмаси ўз фаолиятини қуйидаги асосда ташкил этади:

касаба уюшмасининг барча раҳбар органларининг пастдан юқорига сайлов йўли билан сайлаб қўйилиши;

касаба уюшмаси органларининг уларни сайлаган касаба уюшмаси ташкилотлари ва касаба уюшмаси юқори органлари олдида ҳисобот бериши;

касаба уюшмасининг барча ташкилотлари ва органларининг ишларидаги ҳамкорлик, ошкоралик;

қарор қабул қилинаётганда мунозара эркинлиги;

касаба уюшмаси юқори органларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари қуйи ташкилотлар томонидан бажарилишининг мажбурийлиги;

мазкур Уставга ва касаба уюшмасининг дастурий ҳужжатлари принципларига зид келмайдиган дастурий ва локал ҳужжатларни қабул қилиш.

### **Касаба уюшмаси бошланғич ташкилотлари**

5.4. Касаба уюшмасининг асосини касаба уюшма бошланғич ташкилотлари ташкил этадилар.

Ўқув юртларида ходимларнинг касаба уюшма бошланғич ташкилотлари ва талабаларнинг касаба уюшма бошланғич ташкилотлари тузилиши мумкин.

5.5. Касаба уюшма бошланғич ташкилотлари юридик шахс бўлган корхона, муассаса, ўқув юртлари ва ташкилотларда, касаба уюшмаси аъзолари 5 нафардан кам бўлмаган тақдирда ташкил этилади.

Касаба уюшма бошланғич ташкилотини тузиш ва касаба уюшмасига кириш тўғрисидаги қарор касаба уюшмаси аъзоларининг таъсис мажлисида қабул қилинади ва бу тўғрисида ўн кун ичида юқори касаба уюшмаси органига хабар берилади.

Касаба уюшма бошланғич ташкилоти ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, касаба уюшмалари Федерацияси ва тармоқ касаба уюшмаси Уставлари ҳамда улар томонидан қабул қилинган қарорлар ва Федерация Кенгаши раёсати томонидан тасдиқланган “Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари тўғрисида”ги намунавий Низом асосида ишлаб чиқилган ўз низомлари асосида олиб боради.

5.6. Касаба уюшма бошланғич ташкилоти ўз фаолиятида мустақилдир. Унинг, шунингдек сайланма органларининг қонунчилик, Устав, касаба уюшмаси Республика Кенгаши қарорларига зид бўлмаган қарорлари юқори орган томонидан бекор қилиниши мумкин эмас.

Касаба уюшма бошланғич ташкилотининг қарори билан корхонанинг таркибий бўлинмаларида касаба уюшмаси цех ташкилотлари ва касаба уюшмаси гуруҳлари тузилиши мумкин.

5.7. Касаба уюшма бошланғич ташкилотининг ҳудуддаги юқори органи умумий йиғилиш (конференция)дир.

Касаба уюшмаси бошланғич (цех) ташкилотида умумий йиғилиш, (конференция) касаба уюшмаси (цех) кўмитаси (касаба уюшмаси ташкилотчиси) томонидан зарурат бўлганда, лекин йилда камида бир марта чақирилади.

Касаба уюшмаси бошланғич, цех ташкилотларида умумий йиғилиш (конференция) ўтказишнинг имкони бўлмаганда ўша муддатларда, смена бўйича йиғилишлар ўтказилиши мумкин.

Бошланғич ташкилот умумий йиғилиши (конференцияси)нинг ваколатлари қуйидагилардан иборат:

- касаба уюшма бошланғич ташкилоти кўмитасининг (ташкилотчисининг), тафтиш комиссиясининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни эшитиш;

- фаолиятига доир низомлар ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш, шунингдек уларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш;

- касаба уюшма бошланғич ташкилоти кўмитасини (ташкилотчисини), тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш, уларнинг таркибидан раҳбарлар (раис, раис ўринбосари)ни сайлаш;

- юқори касаба уюшмаси ташкилотларининг сайлаб қўйиладиган органлари таркибига вакиллар сайлаш, юқори касаба уюшмаси ташкилотларининг конференциялари (курултойлари)га делегатлар сайлаш.

Йиғилишни чақириш, тахминий кун тартиби, конференция чақирилганда эса вакиллар меъёри тўғрисидаги қарорни касаба уюшма бошланғич ташкилоти

қўмитаси (касаба ташкилотчиси) 10 кун аввал эълон қилади.

Касаба уюшма бошланғич ташкилоти (цех) қўмитасининг навбатдаги мажлиси раис ёки унинг ўринбосари томонидан ёки касаба уюшмаси аъзоларининг камида учдан бир қисмининг талаби ҳамда касаба уюшмаси юқори раҳбар органининг қарори билан чақирилади.

5.8. Касаба уюшма Бошланғич ташкилотининг умумий йиғилиш (конференция)лари жорий ишларни олиб бориш учун 5 йил муддатга куйидагиларни сайлайдилар:

касаба уюшмаси аъзолари 15 нафардан кам бўлган касаба уюшмаси бошланғич ташкилотида – касаба уюшмаси ташкилотчиси, унинг ўринбосари ва вазначини;

15 нафар ва ундан ортиқ касаба уюшмаси аъзосини бирлаштирган касаба уюшмаси бошланғич ташкилотида – касаба уюшмаси бошланғич ташкилоти қўмитасини ва тафтиш комиссиясини.

5.9. Корхона, ташкилот ёки муассаса қайта ташкил этилган тақдирда, касаба уюшма бошланғич ташкилотнинг ўз ҳуқуқий мақомини сақлаб қолган ҳолда фаолият кўрсатишни давом эттиради.

5.10. Касаба уюшма бошланғич ташкилоти ходимларнинг манфаатларини ифода этади ва уларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилади, бу мақсадда:

касаба уюшмаси юқори органлари кўриб чиқиши учун ҳужжатлар лойиҳаси ва таклифлар киритади, уларни кўриб чиқилиши натижалари тўғрисида ахборот олади;

иш берувчилар томонидан меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ва “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунларга риоя этишлиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

жамоа шартномаси қабул қилинаётганда (ўзгартирилаётганда) касаба уюшма аъзоси(ходим)нинг манфаатларини ифодалайди, иш берувчи билан меҳнат жамоаси номидан жамоа шартномасини тузади ва унинг бажарилишини назоратини амалга оширади;

меҳнат жамоасининг ижтимоий ривожланиши жорий ва келгусидаги режаларини ишлаб чиқишда қатнашади;

корхонанинг меҳнат ҳуқуқий локал ҳужжатларини ишлаб чиқишда қатнашади ва қонунчиликда кўзда тутилган ҳолларда уларни келишади;

жамоавий ва яқка тартибдаги меҳнат низоларини ҳал этишда қатнашади;

ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришни ташкил этади, меҳнат жамоасида маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш ишларини олиб боради;

аъзолик бадалларини ўз вақтида ва тўла йиғилиши, ҳисоботларни ҳаққоний олиб борилишини таъминлайди, юқори ташкилотлар билан келишилган ҳолда касаба уюшма бошланғич ташкилотининг йиллик харажат ва даромадлар сметасини тузади ва тасдиқлайди (аъзолар сони 15 кишигача бўлган бошланғич ташкилотларда смета умумий йиғилиш томонидан тасдиқланади)

ҳамда уни бажарилиши тўғрисида ҳисобот бериб туради;

тасарруфига ўтказилган (фойдаланишга берилган) санаторий-профилакторий ва болалар соғломлаштириш оромгоҳларини фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

аъзолик бадалларини мазкур Устав ва касаба уюшмаси Республика Кенгаши Раёсати белгилаган тартибда юқори касаба уюшмаси органларига ўз вақтида ўтказида;

ўз қарорлари, касаба уюшмаси юқори органлари қарорларининг бажарилишини таъминлайди;

касаба уюшмаси аъзоларини касаба уюшмаси бошланғич ташкилоти фаолиятида фаол иштирок этишга жалб қилади ва шароит яратади, касаба уюшма бошланғич ташкилот кўмитаси комиссияларини шакллантиради ва уларнинг ваколатини белгилайди;

касаба уюшмаси гуруҳ ташкилоти ва касаба уюшмаси цех кўмиталари ишларига раҳбарлик қилади, уларга ишларини ташкил этишларида амалий ёрдам кўрсатади;

касаба уюшма аъзоларининг рўйхатини олиб боради, фаоллар ўқишини ташкил этади;

касаба уюшмаси юқори органига маслаҳат, ёрдам ва кўмак учун мурожаат қилади, ҳисоботлар ва бошқа ахборотлар тақдим этади.

5.11. Касаба уюшмаси бошланғич ташкилоти кўмитаси раиси кўмита мажлислари орасида сўров йўли билан қабул қилинган қарорларга имзо чекади ва уни тасдиқлаш учун кўмитанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритади.

5.12. Касаба уюшмаси бошланғич ташкилоти кўмитаси ўзининг баъзи ваколатларини касаба уюшмаси цех кўмитаси ва касаба уюшмаси гуруҳига бериши мумкин.

Касаба уюшмаси бошланғич ташкилотларида сайланадиган ташкилотчилар касаба уюшма бошланғич ташкилоти кўмитаси ҳуқуқи доирасида касаба уюшмаси аъзоларининг манфаатларини ифода этади ва ҳимоя қилади.

5.13. Касаба уюшмаси цех кўмитаси цех, бўлим, бўлинма, участка ва шунга ўхшашларда касаба уюшмаси ишини ташкил қилади, касаба уюшма гуруҳ ташкилотчиларининг ишларини йўналтиради, касаба уюшма бошланғич ташкилоти йиғилиши (конференцияси), касаба уюшмаси кўмитаси, касаба уюшмаси юқори органлари қарорларини бажарилишини таъминлайди.

Касаба уюшма бошланғич ташкилоти кўмитаси мажлислари заруратга қараб, лекин икки ойда камида бир марта ўтказилади.

Цех кўмитасининг мажлислари заруратга қараб, лекин уч ойда камида бир марта ўтказилади.

5.14. Касаба уюшмаси гуруҳ ташкилотчиси якка тартибда касаба уюшмаси аъзолари билан иш олиб боради, уларнинг ҳар бирини жамоат ишида фаол қатнашишга жалб этади, ходимларнинг меҳнат ва маиший шароитларини яхшилаш, уларнинг соғлиқларини мустаҳкамлаш ва дам олишларини ташкил

этиш тўғрисида ғамхўрлик қилади.

Касаба уюшмаси гуруҳининг мажлислари заруратга қараб, лекин камида бир йилда бир мартаба ўтказилади.

5.15. Касаба уюшмаси бошланғич ташкилоти фаолияти умумий йиғилиши (конференцияси)нинг қарори билан тугатилиши мумкин, ушбу қарор касаба уюшма Республика Кенгаши раёсати томонидан тасдиқланади.

#### **Касаба уюшмасининг бирлашган ва ҳудудий кўмиталари**

5.16. Касаба уюшмасининг бирлашган ва ҳудудий кўмиталари фақат Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмасининг касаба уюшма бошланғич ташкилотларини бирлаштиради.

Бирлашган ва ҳудудий касаба уюшма кўмитаси Республика Кенгаши раёсати қарори билан тузилади ёки тугатилади ва ўз фаолиятини мазкур Устав ва Республика Кенгаши раёсати томонидан тасдиқланадиган тегишли Низом асосида амалга оширадилар. Бирлашган ва ҳудудий касаба уюшма кўмиталарининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларни ташкил этиш ва тугатиш тартиби ушбу низомда белгиланади.

Кундалик ишларни олиб бориш учун ўз ваколатига тенг муддатга раёсатни сайлайди ва раёсат мажлислари заруратга қараб, лекин ҳар чоракда бир марта ўтказилади.

Бирлашган ва ҳудудий касаба уюшма кўмиталари аппаратларининг тузилмаси ва штатлари Республика Кенгаши раёсати томонидан белгиланади.

Бирлашган ва ҳудудий касаба уюшмаси кўмитаси раиси бир вақтнинг ўзида бирлашган ва ҳудудий касаба уюшмаси кўмитасининг кенгаши ва кенгаш раёсати раиси ҳам ҳисобланади.

5.17. Конференция бирлашган ва ҳудудий касаба уюшма кўмитасининг ҳудуддаги юқори органи ҳисобланади ва беш йилда камида бир марта чақирилади. Уларни чақириш, вакиллик нормаси ва кун тартиби ҳақида камида бир ой аввал эълон қилинади. Конференциялар Бирлашган ва ҳудудий касаба уюшма кўмиталари кенгашлари қарори билан уларнинг ўз ташаббусига кўра ёки улар таркибига кирувчи ташкилотларнинг камида учдан бир қисмининг талаби, шунингдек Республика Кенгаши раёсати қарори билан чақирилади. Уларни чақириш, вакиллик нормаси ва кўзда тутилган кун тартиби ҳақида камида 20 кун аввал эълон қилинади.

Бирлашган ва ҳудудий касаба уюшма кўмиталари кенгашлари конференциялар оралиғида раҳбар орган ҳисобланадилар ва беш йил муддатга сайланадилар.

#### **5.18. Конференция:**

- Бирлашган ва ҳудудий касаба уюшма кўмитаси фаолиятининг энг муҳим масалаларини, Бирлашган ва ҳудудий касаба уюшма кўмитасининг ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тинглайди ва муҳокама қилади, бирлашган ва ҳудудий касаба уюшмаси кўмитаси кенгаш аъзоларини сайлайди ёки ваколатини тасдиқлайди, тафтиш комиссияси аъзоларини сайлайди;

- белгиланган меъёр бўйича касаба уюшмаси қурултойига делегатларни ва касаба уюшмаси Республика Кенгаши таркибига ўз вакилларини сайлайди;

- бирлашга ва ҳудудий касаба уюшма кўмитаси раёсати аъзоларини сайлайди;

- бирлашган ва ҳудудий касаба уюшма кўмитаси раиси, раис ўринбосари ва тафтиш комиссияси раисини сайлайди.

5.19. Конференцияга сайланган делегатлар ваколатлари конференциянинг қарори билан ҳудудий ва бирлашган касаба уюшма кўмитаси сайланган беш йил муддатга сақланиши мумкин.

5.20. Бирлашган ва ҳудудий касаба уюшма кўмитаси кенгаши:

- Бирлашган ва ҳудудий касаба уюшма кўмитанинг конференцияларини чақиради;
- Бирлашган ва ҳудудий касаба уюшма кўмитаси раиси ўринбосарини, зарур ҳолларда раисини сайлайди, лавозимидан озод этади;
- зарур ҳолларда Бирлашган ва ҳудудий касаба уюшма кўмитаси таркибига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга;
- Бирлашган ва ҳудудий касаба уюшма кўмитаси ва ижтимоий суғурта бюджетларини тасдиқлайди, уларнинг бажарилишини таъминлайди, бошланғич ва ўзининг тасарруфидаги ташкилотлар, маданий-маърифий муассасалар ва спорт ташкилотларининг ишини мувофиқлаштириб боради ва молиявий-хўжалик фаолияти устидан назорат ўрнатади;
- ўз фаолияти тўғрисида бирлашган ва ҳудудий касаба уюшма кўмитасининг конференциясига ҳисоб беради;
- тарбиявий, оммавий, маданий, жисмоний тарбия ва спорт, сайёҳлик-экскурсия тадбирларини ўтказишда касаба уюшма ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатади;
- кундалик ишларни олиб бориш учун ўз ваколат муддатига тенг муддатга ижроия органи - раёсатини сайлайди, раис ва унинг ўринбосарлари лавозимлари бўйича раёсат таркибига кирадилар.

5.21. Бирлашган ва ҳудудий касаба уюшма кўмитаси раёсати:

- бирлашган ва ҳудудий касаба уюшма кўмитаси кенгашинини чақиради;
- бирлашган ва ҳудудий касаба уюшма кўмитасининг конференцияси, касаба уюшмаси юқори органлари қарорларининг бажарилишини ташкил этади;
- корхоналарда жамоа шартномалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва уларни бажарилишида бошланғич касаба уюшма ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатади;
- бошланғич ва тасарруфидаги бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;
- бирлашган ва ҳудудий касаба уюшма кўмитаси девонини шакллантиради, юқори ташкилотлар қарорларига мос ҳолда тасарруфдаги ташкилотларнинг раҳбарлари ва штатларини тасдиқлайди. Ўз девони ходимлари томонидан ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя этилишини назорат қилади;
- касаба уюшмаси ходимлари ва фаоллари ўқувини ташкил этади;
- касаба уюшмаси ходимлари ва фаолларини юқори касаба уюшмаси ташкилотларининг Фахрий ёрликлари, нишонлари билан тақдирлаш тўғрисида тақдимномалар киритади;
- касаба уюшмаси аъзоларига касаба уюшма бюджети маблағлари ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатиш ҳақида қарорлар қабул қилади;
- зарурат туғилганда, лекин камида икки ойда бир марта раёсат мажлисини ўтказиши;

5.22. Бирлашган ва ҳудудий касаба уюшма кўмитаси мажлислари

оралиғида раис ва унинг ўринбосари ҳудудий касаба уюшма кўмитаси раёсатига ҳисобот беради.

5.23. Бирлашган ва ҳудудий касаба уюшма кўмитаси раиси ва унинг ўринбосари барча даражалардаги давлат ҳокимияти органларида ва жамоат, нодавлат нотажорат ташкилотларида касаба уюшма ташкилотининг манфаатларини ифода этадилар, тасарруфидаги касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини, доимий комиссиялар ишини мувофиқлаштиради ва назорат қиладилар, касаба уюшма кўмитасининг девони бўйича қарорлар чиқарадилар ва топшириқлар беради.

5.24. Касаба уюшмаси кўмитасининг фаолиятини муддатидан олдин тўхтатилиши ҳудудий касаба уюшма кўмитасининг конференцияси қарори бўйича амалга оширилади ва бу қарор касаба уюшма Республика Кенгаши раёсати томонидан тасдиқланади.

## **VI. Касаба уюшмасининг раҳбар органлари**

6.1. Касаба уюшмасининг раҳбар органлари: касаба уюшмаси Курултойи, касаба уюшмаси Республика Кенгаши, касаба уюшмаси Республика Кенгаши раёсати ва касаба уюшмаси тафтиш комиссиясидир.

Касаба уюшмаси Курултойи касаба уюшмаси Республика Кенгаши ва касаба уюшмаси Республика Кенгаши раёсатига нисбатан, Республика Кенгаши эса Республика Кенгаши раёсатига нисбатан юқори турувчи раҳбар орган ҳисобланади.

6.2. Касаба уюшмасининг олий раҳбар органи касаба уюшмаси Республика Кенгаши томонидан камида беш йилда бир маротаба чақириладиган Курултойдир. Курултой чақириш, вакиллар сайлаш тартиби ҳамда меъёри ва кун тартиби уни ўтказишдан камида икки ой олдин эълон қилинади. Курултой аъзолардан сайланган делегатлардан иборат бўлади.

Навбатдан ташқари курултой касаба уюшмаси Республика Кенгашининг ўз ташаббусига кўра ёки касаба уюшмаси аъзоларининг камида учдан бир қисмининг талаби билан, шунингдек Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсатининг қарорига мувофиқ чақирилади. Уни чақириш тўғрисидаги қарор ва тахминий кун тартиби бир ой олдин эълон қилинади.

Курултой қарорига мувофиқ унга сайланган делегатларнинг ваколатлари навбатдаги Курултойгача сақлаб қолиниши мумкин.

### **6.3. Касаба уюшмаси Курултойи қуйидаги ваколатларга эга:**

касаба уюшмаси Республика Кенгаши ва тафтиш комиссиясининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни эшитиш ва тасдиқлаш;

касаба уюшмаси вазифалари ва унинг фаолиятининг асосий йўналишлари, касаба уюшмаси вазифалари, ваколатлари ва ҳуқуқларини аниқлаш;

касаба уюшмаси Устави, дастурий ҳужжатларини, касаба уюшмаси ва касаба уюшмаси бошланғич ташкилотлари тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низомларни қабул қилиш ҳамда уларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш;

бир вақтнинг ўзида касаба уюшмаси Республика Кенгаши ва унинг

раёсатининг аъзоси ҳисобланадиган касаба уюшмаси Республика Кенгаши раисини 5 йил муддатга сайлаш;

касаба уюшмаси Республика Кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини 5 йил муддатга сайлаш;

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Курултойига делегатлар ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши таркибига вакиллар сайлаш;

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсати билан келишилган ҳолда касаба уюшмаси тузилмасини белгилаш;

касаба уюшмасини қайта ташкил этиш ва тугатиш бўйича қарор қабул қилиш.

6.4. Касаба уюшмаси Республика Кенгаши Курултойлар орасидаги даврда раҳбар органдир. Республика Кенгаши Курултойда беш йил муддатга сайланади ва фақат Курултойга ҳисобот беради.

### **6.5. Касаба уюшмаси Республика Кенгаши ваколатлари:**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Курултойлари, Федерация Кенгаши ва унинг Раёсати қарорларини ҳамда тармоқ касаба уюшмаси курултойида қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида тузилган Бош келишувга асосланган ҳолда тегишли вазирликлар билан ҳамкорликда тармоқ келишувини тасдиқлайди;

тармоқ ходимларига дахлдор ижтимоий-иқтисодий масалалар мажмуаси бўйича бош Келишувга киритиш учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига таклифлар киритади;

тармоққа кирувчи барча касаба уюшма ташкилотларининг меҳнатни муҳофаза қилиш ишлари устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради ва йўналтириб боради;

касаба уюшмаси Республика Кенгаши Раёсатининг сон жihatдан таркибини аниқлайди ва 5 йил муддатга сайлади;

зарур ҳолларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашидаги ўзининг вакилларини чақиртириб олиш ва ўрнига янги вакилларни сайлаш, Республика Кенгаши таркибига, касаба уюшмаси тафтиш комиссияси билан биргаликдаги қўшма мажлисда комиссия таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилади (овоз бериш алоҳида ўтказилади);

қуйи касаба уюшма ташкилотларининг амалдаги қонунчиликка ва мазкур уставга зид равишда қабул қилган қарорларини бекор қилади;

ушбу уставнинг 15.1.-бандида кўрсатилган ҳолларда, касаба уюшмаси Устави ва бошқа ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритади;

Курултойга ўз фаолияти бўйича ҳисобот беради;

касаба уюшмаси Республика Кенгаши раёсатининг фаолияти бўйича ҳисоботини эшитади;

касаба уюшмаси рамзини қонунда белгиланган тартибда тасдиқлайди;  
касаба уюшмаси Республика Кенгаши раисининг ўринбосарини сайлайди  
ва лавозимидан озод этади;

касаба уюшмаси Республика Кенгаши қарори билан Кенгаш ваколатига  
кирувчи айрим ваколатлар касаба уюшмаси Республика Кенгаши раёсатига  
берилиши мумкин;

касаба уюшмаси Республика Кенгаши мажлиси заруратга қараб, лекин  
камида бир йилда бир маротаба чақирилади;

айрим (шу жумладан, раис ўз хоҳишига кўра ёки бошқа ишга ўтганлиги,  
саломатлиги ёмонлашгани туфайли ўз вазифаларини бажара олмай қолган)  
ҳолларда Қурултойлар оралиғида касаба уюшмаси Республика Кенгаши раисини  
сайлайди ва лавозимидан озод қилади;

Қурултойлар оралиғидаги даврда касаба уюшмаси Республика Кенгаши  
раиси ўз хоҳишига кўра лавозимидан озод этилган ҳолда, Қурултой  
ўтказилгунига қадар касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси вазифасини  
бажаришни унинг ўринбосарига юклаш тўғрисида қарор қабул қилади.

6.6. Касаба уюшмаси Республика Кенгаши жорий ва ташкилий  
масалаларни ҳал этиш учун ўз таркибидан, ваколати муддатига, касаба уюшмаси  
Республика Кенгашининг раёсатини сайлайди. раёсат таркибига касаба уюшмаси  
Республика Кенгаши раиси, унинг ўринбосари ва касаба уюшмаси Республика  
Кенгашининг бошқа аъзолари кирадилар.

#### **6.7. Касаба уюшмаси Республика Кенгаши раёсати ваколатлари:**

касаба уюшмаси Республика Кенгаши мажлислари орасида касаба  
уюшмаси фаолиятини бошқаради, касаба уюшмаси Қурултойи ва Республика  
Кенгаши қарорларини бажарилишини ташкил қилади ва назорат этади ҳамда  
бажарилган ишлар тўғрисида Республика Кенгашининг навбатдаги мажлисда  
ахборот бериб туради;

касаба уюшмаси Республика Кенгаши мажлисини чақиради, кун тартиби  
тўғрисида таклифлар киритади, уни ўтказиш жойи ва вақтини белгилайди;

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсати билан  
келишган ҳолда касаба уюшмаси Марказий аппаратининг штат жадвали,  
даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлайди;

касаба уюшмаси аъзолари сонидан келиб чиқиб касаба уюшмаси  
ташкилотларининг ҳақ олиб ишлайдиган ходимлар сонининг меъёрини, касаба  
уюшма ташкилотларининг хўжалик ишидан озод этилмаган раисларига  
қўшимча тўловлар миқдорини Федерация Кенгаши томонидан тасдиқланган  
меъёрий ҳужжатларга амал қилган ҳолда белгилайди;

касаба уюшмаси Республика Кенгашига тақдим этиладиган ахборот,  
статистик ва бошқа ҳужжатлар рўйхатини белгилайди;

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Эхтиром  
Нишони, Фахрий ёрлиғи билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифларни Федерация  
Кенгашига киритади;

бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари фаолияти устидан назоратни

амалга оширади ва ишларини мувофиқлаштиради, бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларининг фаолияти бўйича ҳисоботини эшитади;

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсати билан келишилган ҳолда касаба уюшмаси халқаро бирлашмаларига кириш (чиқиш) тўғрисида қарорлар қабул қилади;

касаба уюшмаси бюджетини бошқаради, касаба уюшмаси аъзолик бадалларининг амалдаги тушумидан касаба уюшмаси бошланғич ташкилотларига қолдириладиган қисмини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан тасдиқланган меъёрлар асосида (фоиз ҳисобида) белгилайди;

касаба уюшмаларининг санаторий-курорт, спорт, жисмоний тарбия ва соғломлаштириш, маданий-маърифий муассасалари, шунингдек, кадрлар малакасини ошириш муассасалари фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди;

Республика Кенгаши мажлиси оралиғида касаба уюшмаси мулкига эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш, шу жумладан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан касаба уюшмасига фойдаланиш учун беғараз берилган объектлардан фойдаланиш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади ва кейинчалик тасдиқлаш учун Республика Кенгашига киритади;

Уставда белгиланган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Касаба уюшмаси Республика Кенгаши раёсатининг мажлислари зарур ҳолларда, лекин чоракда камида бир маротаба ўтказилади.

6.8. Мазкур Устав бўйича юқори турувчи орган қарор қабул қилиш давомида буйсунув бўйича қуйи турувчи орган ваколатларига доир масалаларни ҳам ҳал этиши мумкин.

Шу муносабат билан, юқори турувчи орган буйсунув бўйича қуйи турувчи органнинг, юқори турувчи касаба уюшмаси ташкилоти эса қуйи турувчи касаба уюшмаси ташкилотининг қонун ва мазкур Устав талабларига зид қарорларини қайта кўриб чиқиш учун тегишли орган ёки ваколатли шахсга юбориши, коллегиял органлар ваколатига доир масалалар юзасидан эса унинг навбатдан ташқари йиғилишини белгиланган тартибда чақириши мумкин.

Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда қуйи турувчи орган ёки касаба уюшмаси ташкилотининг қонун ва Устав талаблари зид қарорлари юқори турувчи орган ёки касаба уюшмаси ташкилоти томонидан қисман ёки тўлиқ бекор қилиниши мумкин.

## **VII. Касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси**

касаба уюшмаси ва унинг сайланма органларини ифода этади;

касаба уюшмаси Қурултойи, Республика Кенгаши ва раёсати қарорларини бажарилишини назоратини ташкил этади;

касаба уюшмаси Республика Кенгаши ва унинг раёсати ишини бошқаради, уларнинг масжлисларини ўз вақтида ўтишини таъминлайди, касаба уюшмаси Республика Кенгаши раёсатини чақиради;

қарор қабул қилинаётганда фикрлар тенг бўлинганда қўшимча овоз

хуқуқига эга;

масжлислар орасида сўров усули билан қабул қилинган қасаба уюшмаси Республика Кенгаши раёсати қарорларига имзо чекади ва уни тасдиқлаш учун раёсатнинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритади;

мазкур Уставда кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида пул маблағлари ва мол-мулкани бошқаради;

қасаба уюшмаси Марказий аппаратини шакллантиради ва унинг ходимлари билан меҳнат шартномасини тузади (бекор қилади);

қасаба уюшмаси Марказий аппарати ишлари масалалари бўйича фармойишлар чиқаради;

Республика Кенгаши раёсатини чақиради, муҳокама қилинадиган масалалар юзасидан мажлисга материаллар тайёрланишини ташкиллаштиради, Раёсат мажлисига масалаларни киритади, қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлайди ва назорат қилади.

Қасаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси этиб қасаба уюшмасининг аъзоси сайланиши мумкин. Республика Кенгаши раиси Қурултой томонидан 5 йил муддатгача сайланади. Қасаба уюшмаси раиси билан меҳнат шартномасини қасаба уюшмаси номидан уни сайлаган орган ваколат берган шахс имзолайди.

Белгиланган тартибда Республика Кенгаши билан келишиш учун киритилган норматив ва норматив-хуқуқий ҳужжатларни имзолайди;

қасаба уюшмаси сайланма органлари унга ваколат берган бошқа вазифаларни бажаради.

### **7.1. Қасаба уюшма аппарати.**

Қасаба уюшмаси органлари мақсадлари ва вазифаларини амалга ошириш учун доимий асосда фаолият юритувчи қасаба уюшма аппарати шакллантирилади.

Қасаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси қасаба уюшма аппарати фаолиятига бевосита бошчилик қилади.

## **VIII. Қасаба уюшмаси Қурултойи, конференция, йиғилиш, сайланма органлар мажлисларини ваколатли бўлиши, қарорлар қабул қилиш ва овоз бериш шакллари**

8.1. Қурултой ва конференцияларда делегатларнинг камида учдан икки қисми қатнашганда ваколатли деб ҳисобланади.

8.2. Қасаба уюшмаси ташкилотлари умумий йиғилишлари ва сайланма органлар мажлислари ишида ушбу ташкилот қасаба уюшмаси аъзолари, сайланма орган аъзоларининг ярмидан кўпи қатнашса ваколатли ҳисобланади.

8.3. Қасаба уюшмаси Қурултой, конференция, умумий йиғилиш, сайланма органлар мажлислари қарорлари қатнашаётган делегат, йиғилиш қатнашчилари ёки сайланма органлар аъзоларининг ярмидан кўпи овоз берганда қабул қилинган ҳисобланади.

8.4. Овоз бериш (очик ёки яширин) шаклини қасаба уюшмаси Қурултойи,

конференцияси делегатлари, йиғилиш қатнашчилари, сайланма органлар аъзолари белгилайдилар.

8.5. Ходим билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишни касаба уюшма кўмитасининг (Меҳнат кодекси 101-моддаси), шунингдек ишлаб чиқаришдаги ишидан озод қилинмаган ҳолда касаба уюшмалари идоралари таркибига сайланган ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга тегишли касаба уюшма бирлашмаси идорасининг розилигини олиш (“Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун 18-моддаси) юзасидан тақдимномани тегишли касаба уюшмаси органи томонидан кўриб чиқиш тартиби Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан белгиланади.

## **IX. Касаба уюшмаси ташкилотларининг тафтиш комиссиялари**

9.1. Касаба уюшмаси ташкилотларининг тафтиш комиссиялари мустақил орган бўлиб улар тегишли равишда касаба уюшма бошланғич ташкилоти йиғилиши, конференцияси ва Қурултойида тегишли сайланма органлар билан бир вақтда ушбу органларнинг ваколат муддатларига тенг муддатга сайланадилар.

9.2. Тафтиш комиссиялар ўз фаолиятларини касаба уюшмаси Устави ва Қурултой тасдиқлайдиган касаба уюшмаси ва касаба уюшмаси бошланғич ташкилотлари тафтиш комиссиялари тўғрисидаги Низомга мувофиқ олиб борадилар.

9.3. Касаба уюшмаси тафтиш комиссиясининг фаолиятини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Назорат-тафтиш комиссияси мувофиқлаштиради ва йўналтиради.

9.4. Тафтиш комиссиялар тегишли равишда ўзларини сайлаган умумий йиғилишлар, конференциялар, Қурултойга ҳисоб берадилар.

## **X. Касаба уюшмасининг пул маблағлари ва мол-мулкени шакллантириш манбалари**

10.1. Касаба уюшмасининг мулки ва маблағлари аъзоларнинг ойлик аъзолик бадалларидан, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш учун ягона ижтимоий тўловдан йўналтирилган ажратмалар, қонунларда белгиланган тартибда тадбиркорлик, хўжалик ва бошқа тижорат фаолиятидан олинган, устав мақсадларига йўналтирилувчи даромадлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий мулкий бадаллари ва хомийлик маблағлари, қонунларда тақиқланмаган бошқа тушумлардан шакллантирилади.

10.2. Ойлик аъзолик бадаллари иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (стипендиялар)дан камида бир фоиз миқдоридан белгиланади.

Касаба уюшмаси аъзосининг аризасига асосан у ўз хоҳиши билан белгиланган миқдордан ортиқ бадал тўлаши мумкин.

Касаба уюшмасида ҳисобда турган ишламайдиган пенсионерлар республикада белгиланган ёшга доир энг кам пенсиянинг, ишни вақтинча

тўхтатган шахслар меҳнатга ҳақ тўлаш Ягона тариф сеткасининг биринчи разрядига нисбатан ҳисобланган иш ҳақининг бир фоизи миқдориди бадал тўлайдилар, стипендия олмайдиган талабалар, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқувчилари, уч ёшгача боласини парваришlash таътилида бўлган аёллар аъзолик бадали тўлашдан озод этиладилар.

Касаба уюшмалари аъзолари бўлган деҳқон хўжаликлари эгалари, яқка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланадиган шахслар аъзолик бадалларини йилда бир марта, улар томонидан йиллик даромадлари тўғрисида тўлдирилган декларацияда кўрсатилган сумманинг камида бир фоизи миқдориди тўлашлари мумкин.

Маблағлар маданий-оммавий ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирларига, касаба уюшмаси аъзоларига моддий ёрдам кўрсатиш, ҳақ олиб ишлайдиган ходимларни сақлаш ва бошқа устав мақсадларига сметага мувофиқ сарфланади.

10.3. Касаба уюшмаси Республика Кенгаши бюджети сметаси Республика Кенгаши раёсати қарори билан тасдиқланади.

10.4. Бошланғич касаба уюшмаси ташкилотини штат бирлиги, касаба уюшмаси Республика Кенгаши раёсати қарори билан тасдиқланган меъёردа, унинг касаба уюшмаси аъзолари сони ҳамда молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади.

Касаба уюшмаси Марказий аппарати штат жадвали Федерация Кенгаши раёсати билан келишилган ҳолда шакллантирилади ва Республика Кенгаши раёсати қарори билан тасдиқланади.

Касаба уюшмаси органлари ходимларининг, раҳбарларининг ҳам меҳнатларига ҳақ тўлаш шартлари, шунингдек, лавозим маошлари миқдорини касаба уюшмаси Республика Кенгаши раёсати томонидан Федерация томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга амал қилган ҳолда белгилайди.

10.5. Касаба уюшмаси мулк ҳуқуқи билан ўзига тегишли бўлган мол-мулк ва пул маблағларига эгалик қилади, фойдаланади ва тасарруф қилади. Пул маблағини исталган банкда устама фоиз ҳисобига сақлаш ва депозитга қўйиш, акциялар сотиб олиш ҳуқуқига эга.

10.6. Касаба уюшмаси бошланғич ташкилотининг фаолияти тугатилганда унинг мол-мулки ва пул маблағи кредиторларнинг талабини қаноатлантириш учун ишлатилади. Қолган маблағ касаба уюшмаси Устави белгилаган мақсад ва вазифаларни бажариш учун сарфланади.

10.7. Касаба уюшмаси мулки ҳисобланган ёки унинг ишончли бошқарувида, беғараз фойдаланишида ёки бошқа мулкый ҳуқуқ асосида унинг фойдаланишида бўлган мол-мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, касаба уюшмаси томонидан мол-мулкни сотиб олиш ва бошқалар ихтиёрига ажратиб бериш, ўтказиш, вақтинча фойдаланишга бериш масаласи бўйича қарор Уставда белгиланган тартибда Республика Кенгаши ва Республика Кенгаши раёсати томонидан қабул қилинади;

## **XI. Касаба уюшмасида меҳнат муносабатлари**

11.1. Касаба уюшмалари органларининг аппарат ходимлари билан меҳнат муносабатлари, улар билан меҳнат шартномаси тузиш йўли билан лавозимга қабул қилиш (умумий тартибда номуайян муддатга) ва меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамоа шартномалари ва бошқа локал норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

11.2. Касаба уюшма органлари аппаратлари ўз фаолиятини раёсатда тасдиқланган регламент асосида амалга оширади.

11.3. Сайланма лавозимларга сайланган ходимлар билан 5 йилга муддатли меҳнат шартномалари тузилади. Меҳнат шартномаси умумий йиғилиш, конференция, Қурултой номидан умумий йиғилиш, конференция, уни сайлаган орган ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

11.4. Штатдаги касаба уюшмаси ходимларининг шахсий варақалари ва меҳнат дафтарчалари меҳнат шартномаси (контракт) тузилган касаба уюшма ташкилотига сақланади.

## **XII. Касаба уюшмасининг ҳисоби ва ҳисоботи**

12.1. Касаба уюшмаси ўз фаолиятининг натижалари ҳисобини олиб боради ва белгиланган тартибда ўз ҳисоботларини рўйхатдан ўтказган орган, статистика ва солиқ идораларига тақдим этади.

## **XIII. Касаба уюшмаси ва унинг органларини юридик шахс сифатида ҳуқуқлари**

13.1. Касаба уюшмаси юридик шахс ҳисобланади ва ўзининг белгиланган намунадаги муҳри, штампи, хос қоғози ва банкларда ўз ҳисоб рақамларига эга бўлиши мумкин.

13.2. Касаба уюшмаси ўз фаолиятини амалга ошириш учун мустақил равишда Устав, Низомларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, фаолиятининг мақсадини, шакл ва услубларини белгилайди, Қурултой, конференциялар, йиғилишлар чақиради ва бошқа тадбирлар ўтказади.

13.4. Касаба уюшмаси белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзининг рамзи (тимсоли)га эга бўлади.

## **XIV. Касаба уюшмасини қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби**

14.1. Касаба уюшмасини қайта ташкил этиш (бирлашиш, қўшилиш, бўлиниш, ажралиб чиқиш ва ўзгартириш) тўғрисидаги қарор касаба уюшмаси Қурултойида қабул қилинади.

Касаба уюшмасини қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда амалга оширилади. Касаба уюшмасини қайта ташкил этишда Қурултой касаба уюшмасининг ҳуқуқий ворисини белгилайди.

14.2. Касаба уюшмасини тугатиш тўғрисида қарор Қурултой ёки суд

томонидан қабул қилинади. Тугатиш ҳақида қарор қабул қилган орган қонунчиликда белгиланган тартибда тугатиш комиссиясини тайинлайди. Кредиторлар талаби қаноатлантирилгандан сўнг қолган мол-мулк касаба уюшмасининг Устави мақсадларига йўналтирилади. Касаба уюшмасининг мол-мулки касаба уюшмаси аъзолари ва ходимлари ўртасида тақсимланмайди.


#### **XV. Касаба уюшми Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби**

15.1. Мазкур Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар Қурултой қарори билан киритилади. Амалдаги қонунарга ўзгартишлар киритилган, янги қонунлар қабул қилинган ҳолларда, Қурултойлар оралиғида Уставга ўзгартиш ва қўшимчалар Республика Кенгашининг қарори билан киритилади.

Уставга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатда қайта рўйхатдан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиғига тақдим этилади.

15.2. Ушбу Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор Қурултойда иштирок этаётган делегатлар, Республика кенгаши мажлисида иштирок этаётган аъзоларнинг кимида учдан икки қисми ёқлаб овоз берган тақдирда, қабул қилинган ҳисобланади.

Республика Кенгаш раиси



Қ.Собиров